



ҚАРОР

2007 йил «16» феврал

№ 343 -К

**Аҳолига якка тартибдаги уй-жой
қуриш учун ер ажратиб бериш хақида.**

Туман хоқимлигига Шерматов маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Кодиров томонидан 2006 йил 14 июнда 109-сонли хат билан мурожаат қилиб, аҳолига якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер ажратиб беришни сураб ёзган хатини ҳамда «Миркомил» фермер хужалигининг 2007 йил 7 февралдаги 3-сонли розилик хати ва 2007 йил 6 февралдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорини ва туман хоқимлиги қошидаги ер танлаш ва ер ажратиш комиссиясининг 2007 йил 8 февралдаги далолатномасини қуриб чиқиб

ҚАРОР КИЛАМАН

1. Собик Навруз ширкат хужалиги негизида ташкил қилинган «Миркомил» фермер хужалигининг 107 – контуридаги кишлок хужалигида фойдаланиладиган ер майдонларидан аҳолига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун 1,5 гектар ер ажратиш хақидаги туман хоқимлиги қошидаги ер танлаш ва ер ажратиш комиссиясининг 2007 йил 8 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Туман бош архитектори С.Абдурахмоновга аҳолига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ажратилаётган ер майдонининг чегараларини аниқлаб бериш ва уй-жойларни замонавий лойиҳалар асосида қурилишини назорат қилиш топширилсин.
3. Туман ер ресурслари бўлими бошлиғи Б.Абдураззоқовга «Миркомил» фермер хужалигининг ер майдонларига тегишли узгартиришлар киритиш юқлатилсин.
4. Мазкур қарорни ижросини назорат қилишни уз зиммамда қолдираман.
5. Ушбу қарорни тасдиғи вилоят хоқимидан суралсин.

Туман хоқими
вазифасини бажарувчи

 Ш.Нарзиев.